

ТАЛАБА ЁШЛАРДА ТАНҚИДИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУАММОЛИ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

Хайруллаев Чорикул Қазоқович

Бухоро давлат тиббиёт институти доценти

Аннотация: Мақолада таълим олувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга доир тадқиқотлар илмий таҳлил қилинган. Шарқ мутафаккирларининг ёшлар тарбиясида илм маърифатнинг ролига оид фикрларидан мисоллар келтирилган. Ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, таълим жараёнини ташкил этишда кўпфаолиятлилик маҳоратини ривожлантириш механизмлари очиб берилган. Ёшларда танқидий тафаккурни ривожлантириш, уларнинг мустақил фикрлашини ташкил этишда муаммоли таълимнинг роли изоҳлаб берилган.

Калит сўзлар: Таълим, маърифат, муаммоли вазият, танқидий тафаккур, жаҳон педагогикаси, муаммоли таълим.

РОЛЬ ПРОБЛЕМНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В РАЗВИТИИ КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У МОЛОДЕЖИ СТУДЕНТОВ

Хайруллаев Чорикул Қазоқович

Доцент Бухарского государственного медицинского института

Аннотация: В статье научно анализируются исследования по развитию мыслительных способностей учащихся. Приводятся примеры мыслей восточных мыслителей о роли науки и просвещения в воспитании молодежи. На основе требований сегодняшнего дня раскрыты механизмы развития навыков многозадачности в организации образовательного процесса. Объяснена роль проблемного образования в развитии критического мышления молодежи и организации ее самостоятельного мышления.

Ключевые слова: Образование, просвещение, проблемная ситуация, критическое мышление, мировая педагогика, проблемное образование.

THE ROLE OF PROBLEM-BASED EDUCATION IN THE DEVELOPMENT OF CRITICAL THINKING IN YOUNG STUDENTS

Khayrullaev Chorikul Kazokovich

Associate Professor at Bukhara State Medical Institute

Annotation: The article scientifically analyzes research on the development of students' thinking abilities. Examples of thoughts of Eastern thinkers on the role of

science and education in the education of youth are given. Based on the requirements of today, mechanisms for developing multitasking skills in the organization of the educational process are revealed. The role of problem-based education in the development of critical thinking of young people and the organization of their independent thinking is explained.

Keywords: *Education, enlightenment, problem situation, critical thinking, world pedagogy, problem education.*

КИРИШ

Ҳозирги вақтда энг муҳим ва мураккаб вазифа ёш авлод таълим-тарбиясига ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи янги йўналишларни излашдир.

Маълумки, жаҳон педагогикаси сўз бойлиги қаторидан аллақачонлар “инновация” тушунчаси кенг ўрин олган. Бу тушунча “янгилик”, “ислоҳ” тушунчалари билан ойдинлаштирилади. Кенг маънода қараганда, таълим тизимидаги ҳар қандай ўзгариш – бу педагогик инновация ҳисобланади. Дастлаб, бу тушунчаларни ижтимоий-иқтисодий ва технологик жараёнларга нисбатан қўллашган, сўнгра таълим тизимидаги ҳар қандай янгиликларга нисбатан қўлланилган. Хусусан, таълим олувчиларда танқидий фикрлашни ривожлантириш, бу борада илмий тадқиқот ишлари олиб бориш асосий вазифалардан биридир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ. Таълим олувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш масалалари бўйича бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, В.В.Давидов[1], М.Г.Давлетшин[2], И.Й.Лернер[3], А.М.Матюшкин[4], М.И.Маҳмутов[5], Р.Сафарова[6], Е.Ғозиев[7] ишларида муаммоли таълим тамойилларида умумлаштириш турлари ва уларнинг тузилиши, ўқув жараёнини ташкил этиш очиб берилган, танқидий фикрлашининг тузилишлари, ақлий фаолиятнинг умумлашган усулларини шакллантириш йўллари белгиловчи алоҳида компонентларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган.

Фикрлаш тушунчасининг моҳияти бўйича қатор изланишлар олиб борилган. Жумладан, Л.В. Жарова[8] фикрича, билиш фаолияти фикрлаш, хулқ-атворнинг намоён бўлиши ва яширин нақшларидан иборат.

МДҲ давлатларида Е.В.Коротаева[9] билиш фаолияти тушунчаси кўп қиррали ва кўп маъноли эканлигини, “Талабаларнинг билиш фаолияти” талабаларнинг когнитив фаолиятининг тушунчасининг моҳияти, назарий асослари кўриб чиқиб қўйидаги натижага келади: билиш фаолияти когнитив мотивлар орқали амалга оширилади ва у шахсни фаолликка ундайди; билиш мотивлари - ўрганишнинг мазмуни ёки жараёнининг ўзи билан боғлиқ бўлган ўрганиш мотивлари ҳисобланади; билиш фаолиятини амалга ошириш учун когнитив жараёнлар оқими керак; билиш жараёнлари - бу жараён ва натижа

сифатида билишни бевосита таъминлайдиган ақлий ҳодисалар. Буларга қуйидагилар киради: сезиш, идрок этиш, диққат, тасвирлаш, тасаввур, хотира, фикрлаш, нутқ [10].

Б.Г.Ананев[11] илмий мактаби тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, “талабалик ёш даври интеллект тузилмасининг ўта мураккаблиги, ўзгарувчанлиги ва индивидуаллиги билан намоён бўлади. Бунинг маъноси шундаки, ўқув-билиш топшириқларини ҳар доим бир вақтнинг ўзида ҳам тушуниш, ҳам англаб олиш (фикрлаш), ҳам эсда қолдириш, ҳам эсда сақлаш ҳамда амалда қўллашга йўналтирилган бўлади”.

Муайян турдаги фикрлаш фаолиятини ўргатиш сифатида ривожлантирувчи ўқитиш концепцияси ривожлантирувчи ўқитишнинг дидактик тамойилларида ўз ифодасини топган: қийинликнинг юқори даражасида ўқитиш, назарий билимларнинг етакчи роли тамойили, тез суръатларда ўқитиш, ўқиш жараёнини англаш ва бошқалар (Л.В.Занков) [12].

НАТИЖАЛАР. Таъкидлаш жоизки, ёшларда мантиқий тафаккурни ривожлантириш, уларни маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш масаласи долзарб масалалардан ҳисобланган. Маълумки, инсон ҳаётида маърифатнинг аҳамияти беқиёсдир. Шу сабабдан тарихий тараққиёт давомида Ғарб ва Шарқ мутафаккирлари ўзларининг таълимотларида илм-маърифатга жуда катта эътибор берганлар. Оддий қилиб айтганда, маърифат концепциясини яратганлар.

Қодирия таълимотининг асосчиси Гийлоний ҳақиқий инсонни тарбиялаш учун илм олиш, маърифатли бўлишни биринчи асос деган. Унга кўра, инсон кўриш, эшитиш, ақлни ишлатиш воситасида билиш қобилиятига эга бўлади, дейилган. Ушбу талқин Гийлонийнинг “Сиррул асрор” асарида яққол очиб берилган. Асарда инсонга илм икки қанот сингари зарурдир дейилади. Илмни эгаллаган, маърифатли бўлган шахс жаҳолатга қарши туради ва камол топади. Огоҳлик ўз навбатида илм, ақл, тафаккурга таянади. Инсонни ғафлатдан уйғотиб, огоҳлик руҳида тарбиялаш ғояси Гийлонийнинг “Раббонийликни англаш” асарида яққол тасвирланган.

Уйғониш даврининг буюк файласуфи, “иккинчи муаллим” унвонини олган мутафаккир Абу Наср Форобийни (873-950) комил инсон тўғрисидаги ғоялари унинг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашларида ўз инъикосини топди.

Шарқ донишмандлигида: «Боланг етти ёшга етгунча унинг айтганини қил, чунки бу давр боланинг айтганини қилдирадиган подшолик даври, етти ёшдан ўн саккизгача тарбияда унга талабчан бўл, айтганингни қилдир, токи улар меҳнатга кўникма ҳосил қилишсин. Ўн саккиздан кейин эса, уни ўзинг билан тенг кўр, худди ўз дўстингдек муносабатда бўл», деган панду-насихат ҳам ўзининг ҳаётий асосга эгалиги билан ажралиб туради. Бу даврда ҳар бир ота-она пухта ўйланган тарбия дастурига эга бўлмоғи лозимлиги ҳам уқтириб ўтилган. Маълумки, тарбияга, аниқроғи жамият аъзосининг нечоғлик маънавийли

инсон бўлишига бутун жамоа масъулиятлидир. Мутафаккирларимиз ўз қарашларида тарбияга масъул бўлган инсонинг ахлоқий фазилатлари хусусида ҳам фикр билдирганлар [12-16].

Ҳадисшунос олим Имом Бухорий уқтириб ўтганларидек, “Боланинг табиати ривожланишга мойил бўлади, уни қандай ғоялар билан тўлдириш ота-она ва устозга боғлиқ”. Юсуф Хос Ҳожиб “Камолотга етиш йўли иккита: билим олиш ва ибрат ўрганиш” эканини таъкидлаб ўтган. Ҳақиқатан ҳам, тарбияли инсон ўзгаларнинг ижобий хислатларидан ибрат олишга қодир бўлади, салбий хислатларидан эса, сабоқ чиқара билади.

Ризоуддин ибн Фахриддин “Оила” номли асарида аёлларнинг тарбиядаги роли ҳақида шундай ёзади: “Агарда оила кемага ўхшатилса, хотун кеманинг қўйруғи ҳукмида бўлур. Дарёда катта қувватга эга бўлган кема қўйруқ ҳаракатига эргашиб юргани каби, мамлакат мисолида бўлган оилаларда оила ичида бўлган хотун ҳаракатига эргашурлар. Хотунлари тарбияли бўлган халқ – тарбияли-ю, хотунлари тарбиясиз бўлган халқ – тарбиясиз, хотунлари тиришқоқ, тадбиркор иродали бўлган халқ – бою, хотунлари ялқов ёки исрофгар халқ фақир бўлиши аниқдир”.

Инсоният ҳаётида таълим ва тарбия жуда катта ўрин тутаети. “Ўқитувчи ва мураббийлар” кун муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Президентимиз Ш.Мирзиёев таълим ва тарбия масаласида қўйидагича фикр билдирган эди: “Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ. Буюк юнон олими Аристотелнинг “Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қиладиган”, деган сўзлари бор. Қаранг, бу фикрлар милоддан аввал айтилган. Демак, инсоният онгли ҳаёт кечира бошлаган даврдан буён таълим ва тарбия масаласи, доимо долзарб аҳамият касб этиб келмоқда”.

Ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, таълим жараёнини ташкил этишда қўйидаги кўпфаолиятлилик маҳоратини ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш лозим: ўқитувчининг касбий лаёқатлилигини ошириш; ўқитувчининг мустақил билим олиш эҳтиёжларини қондириш; ўқитувчининг умумий дунёқарашини ва ривожланишга бўлган муносабатини кенгайтириш; ўқитувчи фаолиятида ижодий қобилиятни шакллантириш ва янгиликка интилишини такомиллаштириш; ўқитувчининг илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш кўникмаларини шакллантириш; жамият талаблари асосида таълим жараёни самарадорлигини ошириб боришда узлуксиз малака оширишни йўлга қўйишдир [17-22].

Ёшларда танқидий тафаккурни ривожлантириш, уларнинг мустақил фикрлашини ташкил этишда муаммоли таълимнинг роли каттадир.

Муаммоли таълим деганда В.Окон “муаммоли вазиятларни ташкил этиш, муаммоларни шакллантириш, ўқувчиларга муаммоларни ечишда зарур ёрдам кўрсатиш, бу ечимларни текшириш ва ниҳоят, олинган билимларни тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш жараёнига раҳбарлик қилиш каби ҳаракатлар мажмуини тушунади”.

Муаммоли таълим деганда, илмий билимларнинг бошқа хусусиятлари билан киритиладиган ўрганишнинг бу турини тушунишимиз мумкин.

Талабалар олдига муаммо, когнитив вазифа қўйилади ва ўқувчилар ўқитувчининг бевосита иштирокида ёки ҳеч қандай ёрдамисиз уни ҳал қилиш йўллари ва воситаларини ишлаб чиқадилар. Улар фаразни (гипотезани) илгари сурадилар, унинг ишончлилигини текшириш усулларини режалаштирадилар ва ўйлайдилар, асослайдилар, тажриба ўтказадилар, кузатадилар, натижаларини таҳлил қиладилар, акс эттирадилар, исботлайдилар.

Бинобарин, муаммоли таълим асосан, ғайритабiiй ҳодиса бўлиб, у ўзини ташвишга солаётган саволга жавоб излаган ўқувчидан эмас, балки ўқувчиларнинг ўқув ишларига қизиқишини қандай уйғотиш ҳақида қайғурадиган ўқитувчидан келиб чиқади [23].

Бу усул талабаларни ўзларини қизиқтирган муаммони ҳал қилишда иштирок этишини кафолатлайди. Ўқув муаммоси талабалар учун қизиқарли ва ғайриоддий бўлиб чиқиши учун муаммоли вазиятни тартибга солиш керак.

Муаммоли вазиятларни яратишнинг турли усуллари мавжуд:

- янги факт ва маълум билим ўртасидаги номувофиқликни тақдим этиш;
- бир факт юзасидан қарама-қарши фикрларни солиштириш;
- назарий билимларни айрим ностандарт шароитларда қўллашнинг “мумкин эмаслиги”ни кўрсатиш;
- тугалланган иш воқеаларининг келажакдаги ривожланишини ёки уларнинг бошқа шароитларда мос келишини башорат қилишга ундаш;
- дастлаб таққосланмайдиган фактларни солиштириш учун машқ бериш ва ҳ.к.

Муаммо - бу ўқувчилар эга бўлган ва улар асосида қурилган билимлардан келиб чиқадиган савол. Ва шу билан бирга, муаммо уларнинг этишмаслигини тасдиқлайди, бу ўрганиш объектининг якуний тўлиқ расмини олиш учун кейинги изланиш зарурлигини англатади. Савол талабанинг ҳаётiiй тажрибасига таянмасдан туриб, талаба учун муаммога айланмайди. Ҳар доим қарама-қаршиликларни бартараф этиш билан боғлиқ муаммоли масала бўлиши керак. Бу қарама-қаршиликлар муаммоли вазиятни олиш ва муаммони тақдим этиш учун асос бўлади [24].

Ўқув дастурида, ўқитувчи томонидан билимларни тақдим этишда, талабаларнинг мустақил ишларида ва ҳоказоларда ўқитишга муаммоли ёндашув намоён бўлиши керак. Шунини ёдда тутиш керакки, муаммоли таълимга

ҳар бир савол ва ҳеч кимнинг ёрдамсиз муаммонинг ечимини излаш ҳам киритилмайди.

Муаммоли вазият нафақат мавзудаги қийинчиликнинг руҳий ҳолати ва нафақат объектив воқелик, балки одам унга дуч келган заҳотиёқ муаммоли бўлади. У ўзининг асосий хусусиятларига эга, масалан:

- муаммоли вазият ўқувчининг шахсий ақлий фаолияти ёрдамидагина енгиши мумкин бўлган қийинчилик туғдиради;
- муаммоли вазият талаба учун аҳамиятли бўлиши керак;
- муаммоли вазиятнинг пайдо бўлиши ўқувчиларнинг қизиқишлари ва олдинги тажрибаси билан боғлиқ;
- умумий муаммоли вазият бир қатор аниқроқ нарсаларни ўз ичига олади.

Таълим муаммоси (муаммоли вазифа, амалий вазифа, савол) муаммоли вазиятни шакллантириш воситасидир [25].

Анъанавий таълим ўз мазмуни ва мақсадларида, энг аввало, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни эгаллашига қаратилган. Бундан ташқари, бутун ижтимоий соҳани инсонпарварлаштириш билан анъанавий таълим ҳар бир ўқувчини ҳар томонлама ва баркамол ривожлантириш мақсадини эълон қила бошлади, аммо бу таълим тизимининг инерцияси ва анъанавий педагогика усулларининг ўзига хос хусусиятлари туфайли, фақат билвосита эришилди ва умуман олганда, таълимнинг қўшимча маҳсулоти эди.

Анъанавий таълимда бўлгани каби муаммоли таълимда ҳам бир хил функцияларнинг аҳамияти эътироф этилади, аммо таълим мақсадлари иерархияси ва урғунинг жойлашиши бироз ўзгаради:

- ўқувчиларнинг ақл-заковати, когнитив мустақиллиги ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг ақлий амалий фаолиятнинг билимлар тизими ва усулларини ўзлаштириши;
- ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш [26-27].

ХУЛОСА. Ҳамиша уйғоқ халқ яратувчиликка, бунёдкорликка қодир бўлади. Ана шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, мустақил Ўзбекистонга яна бир уйғониш ва юксалиш даври насиб этди. Эндиликда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғояси билан боғлиқ бўлган учинчи ренессанс даври бошланди.

Келажагимиз давомчилари ҳисобланган ёш авлодга замонавий таълим-тарбия бериш масаласи педагоглариимизнинг илмий салоҳиятига, касбий компетентлиги юқори бўлган кадрларга боғлиқ. Бу жараёни янада такомиллаштириш мақсадида малака ошириш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш, ўқитувчининг касбий компетентлигини ривожлантириш, касбий ҳаракатчанликни ошириш, интеллектуал, мустақил ишлашни йўлга қўйиш, шахсий масъулиятни мустаҳкамлаш, шунингдек, ҳамкорликда ишлаш

қобилиятига эга малакали етук мутахассисларни тарбиялаш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Давыдов В. Теория развивающего обучения // В.Давыдов. - М.: ИНТОР, 1996. - 544 с.
2. Психологические аспекты профессионально-технического образования и трудового воспитания школьников: Сборник научных трудов / Отв. ред. М.Г. Давлетшин. Ташкент: ТГПИ, 1986
3. Лернер И.Я. Поисковые задачи в обучении как средство развития творческих способностей // Научное творчество. - М.: Наука, 1969. — 415 с.
4. Матюшкин А. М. Проблемные ситуации в мышлении и обучении. - М.: Педагогика, 1972. — 208 с.
5. Махмутов М. И. Проблемное обучение. — М.: Педагогика, 1975. — 210 с.
6. Safarova R G'. R.H. Jo'raev "Pedagogika Ensiklopediya" "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" davlat ilmiy nashriyoti.Toshkent-2015.
7. G'oziev E.G. Psixologiya. Yosh davrlar psixologiyasi. -Т.: O'qituvchi, 1994. - 223b.
8. Жарова Л.В. Учит самостоятельности : Кн. для учителя : [Пособие для студентов пед. ин-тов и учителей] / Л. В. Жарова. - М. : Просвещение, 1993. - 203,[2] с.; 20 см.; ISBN 5-09-003662-4 : Б. ц.
9. Коротаяева Е.В. Уровни познавательной активности // Народное образование. - 1995. - № 10. - С.156-159.
10. Шкерина Л.В. Профессионально-ориентированная учебно-познавательная деятельность студентов в процессе математической подготовки в педвузе: Дис. ... док. пед. наук. Красноярск, 1999. -332 с.
11. Ананьев Б.Г. Избранные психологические труды. - В 2-х томах. - М.:1980. - 287 с.
12. Занков Л.В. Развитие учащихся в процессе обучения // Изб. пед. тр. - М.: Новая шк., 1993. -431 с.
13. Kazakovich, K. C., Vohid, T., & Nargiza, D. (2021). " Education law" in the new edition is a key factor of adapting the national education system to international standards. World Bulletin of Social Sciences, 3(10), 45-48.
14. Хайруллаев, Ч. К., Хусанходжаев, М. Г., Таджиев, С. М., & Шосаидова, Д. (1984). Влияние добавок на физико-механические свойства аммиачной селитры. Узб. хим. журн, 4, 45-49.
15. Хайруллаев, Ч. К., Хусанходжаев, М. Г., Таджиев, С. М., & Аминов, З. (1985). Исследование процесса получения аммиачной селитры с добавкой РАП.-

Ташкент, 1985,-II с. Рукопись представлена редкол. Узб. Хим. Ж. Деп. в ВИНТИ, (5806-85).

16. Хайруллаев, Ч. К., Хусанходжаев, М. Г., & Таджиев, С. М. (1984). Дисперсность нерастворимых компонентов добавки РАП при получении аммиачной селитры. *Узбекский химический журнал*, 3, 23-29.

17. Kazakovich, K. S. (2021). Main factors for improving the national educational system. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(11), 227-232.

18. Хайруллаев Ч.К., Жабборова А.Б., & Раупов Б.К. (2022). ИССЛЕДОВАНИЕ ВЛИЯНИЯ ДВОЙНЫХ СОЛЕЙ $\text{NH}_4\text{NO}_3 \cdot (\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ и $2\text{NH}_4\text{NO}_3 \cdot (\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ НА СВОЙСТВА АММИАЧНОЙ СЕЛИТРЫ. *Journal of Integrated Education and Research*, 1(4), 87-90.

19. Хайруллаев, Ч. К. (2020). МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ ШАХС КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ. ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ, (SI-2№ 6).

20. Kenjaeva, K. P. (2023). Main Requirements for the Modern Model of Staff Training. *Web of Synergy: International Interdisciplinary Research Journal*, 2(5), 446-450.

21. Кенжаева, Х. П. (2023). ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. IJTIMOIIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI, 3(5), 205-208.

22. Кенжаева, Х. П. ШАРҚ ФАЛСАФАСИДА «ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ» МАСАЛАСИ. УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА, 76.

23. Кенжаева, Х. П. (2023). АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ” АСАРИДА ФАЛСАФИЙ-ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАР ТАЛҚИНИ. SIYOSATSHUNOSLIK, HUQUQ VA XALQARO MUNOSABATLAR JURNALI, 2(10), 68-71.

24. Kenjaeva Khurshida Pulatovna. (2023). PHILOSOPHICAL-DIDACTICAL TREATISE BY ALISHER NAVAI “BELOVED OF HEARTS”. *Best Journal of Innovation in Science, Research and Development*, 2(11), 21-26

25. Kenjaeva, K. P. (2023). “Beloved of the Heart” Philosophical and Moral-Educational Work of Alisher Navai. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY*, 4(12), 1-6.

26. Khurshida Pulatovna Kenjaeva. (2023). Basic Requirements for a Modern Personnel Training Model. *International Journal of Formal Education*, 2(12), 407-412.

27. Khurshida Pulatovna Kenzhaeva. (2023). Humanistic Views in the Work of Alisher Navoi. *Excellencia: International Multi-Disciplinary Journal of Education* (2994-9521), 1(6), 73-78.

28. Рахимов, Зокир Кайимович. "Иммунная терапия посттравматических воспалительных осложнений у больных с переломами нижней челюсти." *Miasto*

Przyszłości 42 (2023): 795-798.

29. Рахимов, З. К. "Микробиологические И Иммунологические Показатели Эффективности Лечения Больных С Переломами Нижней Челюсти." *Miasto Przyszłości* 42 (2023): 136-140.

30. Рахимов, З. К., С. Ю. Курбанова, and И. М. Мухамедов. "МИКРОЭКОЛОГИЯ ПОЛОСТИ РТА У БОЛЬНЫХ С ПЕРЕЛОМАМИ НИЖНЕЙ ЧЕЛЮСТИ." «МИКРОБИОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ» МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ (2023): 74.

31. Рахимов З.К. и др. «Видовой состав микроорганизмов при переломах нижней челюсти у обследованных пациентов». *МедЮнион* 1 (2022): 139–143.

32. Рахимов, З. К., and К. Р. Раззаков. "Оптимизация репаративных процессов костной ткани при переломах нижней челюсти." *Интегративная стоматология и челюстно-лицевая хирургия* 1.2 (2022): 188-196.

33. Камбарова, Шахноза Али Хусейнован и Зокир Кайимович Рахимов. «АНТРОПОМЕТРИЧЕСКИЕ ПАРАМЕТРИ УГЛА НИЖНЕЙ ЧЕЛЮСТИ У ДЕТЕЙ С ВРГН». *ЖУРНАЛ СТОМАТОЛОГИИ И КРАНИОФАЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ* 3.2 (2022).

34. Рахимов, Зокир Кайимович, and Шахзода Каримовна Пулатова. "RESULTS OF TREATMENT OF UNCOMPLICATED LOWER JAW FRACTURES." *ЖУРНАЛ СТОМАТОЛОГИИ И КРАНИОФАЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ* 3.2 (2022).

35. РАХИМОВ, ЗОКИР КАЙИМОВИЧ, and ШАХЗОДА КАРИМОВНА ПУЛАТОВА. "РЕЗУЛЬТАТЫ ЛЕЧЕНИЯ НЕОСЛОЖНЕННЫХ ПЕРЕЛОМОВ НИЖНЕЙ ЧЕЛЮСТИ." *МОЛОДОЙ СПЕЦИАЛИСТ Учредители: ИП" Исакова УМ"* 3 (2022): 39-52.

36. Рахимов, З., and Д. Абдуллаев. "Хирургическое лечение хронического пародонтита с использованием материалов «Коллапан»." *Stomatologiya* 1.1 (2022): 41-44.

37. Рахимов, З. К., А. А. Кабанова, and С. А. Кабанова. "Микробиологическая оценка эффективности применения инфракрасного излучения в комплексном лечении пациентов с переломами нижней челюсти." *Вестник Витебского государственного медицинского университета* 21.5 (2022): 102-108.

38. РАХИМОВ, ЗК. "ИНТЕГРАТИВНАЯ СТОМАТОЛОГИЯ И ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВАЯ ХИРУРГИЯ." *ИНТЕГРАТИВНАЯ СТОМАТОЛОГИЯ И ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВАЯ ХИРУРГИЯ Учредители: ООО" Scientific Innovations"* 1.1 (2022): 63-66.

39. Рахимов, З. К. "Активация неспецифических иммунных факторов с помощью бактериофага у больных флегмонами челюстно-лицевой области." *Интегративная стоматология и челюстно-лицевая хирургия* 1.1 (2022): 63-66.

40. RAKHIMOV, Zokir K. "CHARACTERIZATION OF THE SENSITIVITY OF MICROBES TO CERTAIN DRUGS IN VITRO!." *Journal of Natural Remedies* 22.1 (1) (2021): 124-128.

41. Рахимов, З. К., Ш. К. Пулатова, and М. С. Сафарова. "Изучение микрофлоры и местных факторов защиты полости рта у больных с переломами нижней челюсти." (2021): 87-88.

42. Рахимов, З. К., Ш. К. Пулатова, and М. С. Сафарова. "Изучение микрофлоры и местных факторов защиты полости рта у больных с переломами нижней челюсти." (2021): 87-88.

43. Rakhimov, Z. K. "Study of microflora and local factors of oral protection in patients with fractures of the lower jaw." Online-conferences" platform. 2021.

44. Рахимов, З. К., Д. М. Мусаева, and Н. Г. Раджабов. "Глобализация даврида олий таълим тизими." Тиббиётда янги кун 2.30/2 (2020): 115-117.

45. Kayumovich, Rakhimov Zokir. "Immuno correction of post-traumatic inflammatory complications in patients with fractures of the lower jaw." (2020).

46. Rakhimov, Z. K., and M. Q. Kamalova. "Features of the immune status and possibility immunocorrection at post-traumatic inflammatory complications at patients with jaw fractures." Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) 9.4 (2020): 19-22.